



ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ШЕРИКЧИЛИК ШАРТНОМАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10404111>

Илҳомжон Муроталиевич Гофуров

Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси

таянч докторант.

телефон 93 480 04 40

АННОТАЦИЯ

Бу мақолада ислом ҳуқуқидаги шерикчилик битимлари борасида сўз юритилади. Мақола аввалида шерикчиликнинг луғавий ва истилоҳий маънолари баён қилиниб, мазкур битимнинг жоизлигига Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлардан далиллар келтириб ўтилган. Сўнгра ҳанафий мазҳабида шерикчиликнинг турлари, рукнлари, шартлари, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари, жоиз бўлган ва жоиз бўлмаган кўринишлари мисоллар орқали очиб берилган. Бундай ташқари, мақолада ҳозирги кунимизда учраб турадиган ва ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам айтиб ўтилган.

Калит сўзлар

Ширкат, муфоваза, инон, саноиъ, вужух, тақаббул, тасарруф, музораба, ваколат, кафолат.

Шерикчилик масаласи фиқҳ манбаларида *الشركة* “ширкат” ёки “шарикат” кўринишида келиб, луғатда “аралашиб кетиш” маъносини англатади.

Шариатда эса, ширкат – раъсулмоп (сармоя) ва фойда хусусида шерик бўлганлар орасидаги битимдир.

Жалолиддин Ҳоразмий ширкатни қўйидагича таърифлайди: “Ширкат – икки ёки ундан юқори (шахсларнинг) улушлари, бири бошқасининг насибасини ажратса олмайдиган тарзда аралашиб кетишидир. Сўнгра бу тушунча гарчи улушлар аралашиб кетиши топилмаса-да, ширкат битимига ишлатилиб кетилган. Чунки ширкат битими ана шу аралашишга сабаб бўлади. Ширкат шартномаси суннат орқали машруъ бўлган. Зоро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалтам пайғамбар бўлиб юборилганларида инсонлар мазкур битимни амалиётда қўллашар эди. Пайғамбар алайҳиссалом инсонларнинг бу ишларни тасдиқлаганлар. Қолаверса, ширкат шартномасининг жоизлигига ислом уммати ҳам ижмоъ қилган”³⁰.

³⁰ Жалолиддин Ҳоразмий. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-хидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия. – Ж. IV. – Б. 362.



Жалолиддин Ҳоразмий атиб ўтганидек, ширкат шариатнинг асосий манбалари, Куръни карим, ҳадиси шариф уммат ижмоси ила собит бўлган.

Аллоҳ таоло “Нисо” сурасида “Бас, улар учдан бирда шерикдирлар”, деган. Яъни, меросга қолган молнинг учдан бирига шерик бўлиб, молик бўлурлар, деганидир.

Шунингдек, бошқа бир оятда: “Албатта, аралаштирувчиларнинг қўплари баъзилари баъзиларига ноҳақлик қилурлар. Магар иймон келтирганлар ва солиҳ амал қилганларгина, мустасно. Ва улар оздирлар”,³¹ дейилган.

Оятдаги аралаштирувчилардан мурод шериклардир. Қолаверса, Ислом уммати доимо мол-мулқда, молиявий муомалаларда шерикликни маъқуллаб келган. Зоро, кишилар бир жамиятда яшар эканлар бундай ишга муҳтождирлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ширкат битимиға тегишли бир неча ҳадислар ривоят қилинган. Жумладан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилган: “Набиي соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло Мен икки шерикнинг, модомики, уларнинг бири ўз соҳибига хиёнат қиласа, учинчисидирман. Бас, қачон унга хиёнат қиласа, ораларидан чиқурман”, дейдир”, дедилар³².

Яна бир ҳадиси шарифда: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбарни яҳудийларга унда ишилаб, зироатчилик қилишилари учун бердилар. У ердан чиқадиган нарсанинг ярми уларга бўладиган бўлди”, дейилган.

Мазҳаблар орасида ширкатнинг айрим турлари ҳақида турли фикрлар кузатилса-да, бироқ барчалари мазкур ширкатнинг жоизлигига иттифоқ қилишган. Уларнинг ҳеч бири ислом шариатида ширкат битимиғининг жоизлиги борасида ихтилоф қилишмаган.

Ҳанафий мазҳабида умумий тақсимотга қўра ширкат икки турга бўлинади. Улар ширкати амлок – мулклардаги шерикчилик ва شرکة أملأك العقد ширкати уқуд – шартномамалардаги шерикчилик.

Мулклардаги шерикчилик. “Хидоя” асарида “мулклардаги шерикчилик”га шундай таъриф берилган: “Мулклардаги шерикчилик бу икки кишининг муайян бир нарсага меросхўр бўлиш ёки сотиб олиш орқали эга бўлишларидир. Мазкур шерикчиликда уларнинг бири иккинчисининг улушкида шеригининг рухсатисиз тасарруф қила олмайди. Бу борада уларнинг ҳар бири шеригининг улушкида бегона киши каби бўлади”³³.

³¹ Сод сураси, 24-оят.

³² Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ас-Сижистоний ал-Аздий. Сунани Абу Довуд.– Байрут: Дору-л-маърифа.– Б.276.

³³ Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя шарху бидаяти-л-мубтадий. – Покистон: Мактабату-л-бушро. – Ж. IV. – Б. 361.



Мана шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим бўлган долзарб мавзулардан бири – инсон вафот этганидан кейин фарзандлар ота қолдирган меросни тақсимламасдан, бир оила сифатида мазкур молда тасарруф қилишлари, қолдирилган молни дехқончилик ёки савдо сотик ишларига йўналтиришлари кўп кузатилади. Гоҳида бу ишларни катта ўғил ўз зиммасига олади, қолганлар эса унинг қилган ишларига рози бўлишади. Бироқ мазкур рози бўлишларида муfovаза ширкати битимиши на очик ойдин лафзлар ва на унинг маносидаги сўзлар ила ифодалашмайди. Ваҳолбуки, ота қолдирган мероснинг аксар қисми пул кўринишида эмас, балки уruz (тижорат моллари) кўринишида бўлади. Мана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинки, ота томонидан қолдирилиб, унда тасарруф қилинаётган мол, фарзандлар орасида мулкдаги шерикчилик масаласига тушиб қолади. Ва бунда мулкдаги шерикчилик шартлари асосида иш кўриш талаб этилади.

Шартномалардаги шерикчилик. Шартнома ширкатларининг рукни (асоси) – ийжоб ва қабулдир³⁴. Яъни, шартнома тузувчиларнинг бири: “Сени фалон ва фалон нарсада шерик қилдим”, дейиши, иккинчи тарафнинг: “Қабул қилдим”, дейишидир.

Шартнома ширкатларининг шарти – шартнома орқали келишилаётган иш (шартнома тузатиб берувчи ширкатни битими бўлишидир. Яъни, ширикларнинг ҳар бири иш юзасидан иккинчи тарафнинг номидан вакил бўла олиши керак. Мана шунда шерикчилик битими орқали кўрилган фойдада муштарклик юзага чиқади. Натижада, мазкур битимдан кўзланган мақсад, яни фойда кўриш амалга ошади. Зоро, ов овлаш, ўтин йиғиш каби ваколатни қабул қилмайдиган ишларда шерикчилик тузуб бўлмайди.

Шунингдек, шартнома ширкатларини тузишда уни бузиб қўядиган шартлар қўйилмаслиги лозим. Бунинг мисоли шуки, битим тузатиб берувчи ширкатнинг бирига ўртадаги фойдадан маълум бир сумма тайинлаш мукин эмас. Чунки, кўрилган фойда битимда ширикларнинг бирига тайинланган миқдордан кўп бўлмаслиги, хатто ундан кам миқдорда бўлиши хам мукин. Бу холатда шерикчилик йуққа чиқиб қолади. Ширкат ақдининг ҳукми шуки, кўрилган фойда қанча бўлмасин, унда шериклик бўлиши лозим.

Ўртада тузилаётган шерикчилик битимида гувоҳ келтириб қўйиш ва уни хатга тушириб қўйиш мустаҳаб амал ҳисобланади. Имом Муҳаммад (р.х.) хатга тушириб ёзиб қўйиш кайфиятини қўйидагича тушунтиради: “Бу фалончи ва фалончи шерикчилик битимиши тузган шартномадир. Улар Аллоҳ таолодан тақво қилишга ва омонатни адо этишга шерик бўлдилар”,

³⁴ Ийжоб – бир тарафнинг шартнома таклиф қилиши. Қабул – иккинчи тараф таклиф қилинган шартномани қабул қилиши.



деб, сўнгра ҳар иккиси шерикчиликка киритган сармоянинг миқдорини баён қиласди ва: “Бу сармоя ҳар иккисининг қўлидадир. Улар барча турдаги нарсаларни сотиб олишлари ва ўз фикри билан сармояда амал қилишлари ҳамда нақд ва насияга савдо қилишлари мумкин”, деб ёзади³⁵.

Шартнома ширкатидан кўрилган фойда сармоянинг миқдори ёки ўзаро қелишув нисбатига кўра бўлади. Кўрилган зарар эса киритилган сармоянинг миқдорига қараб бўлади.

Шартнома ширкати тўрт турли бўлади: Муфоваза (тенглик) ширкати, инон (таклиф) ширкати, саноиль (ишлаб чиқариш) ширкати ва вужух (обрў) ширкати.

Муфоваза (тенглик) ширкати. Муфоваза ширкати – молда, тасарруфда ва динда ўзаро тенг бўлган икки кишининг битим тузишларидир. Чунки бу ширкат тижоратнинг барча турларидағи умумий шерикчилик ҳисобланиб, битим тузувчиларнинг ҳар бири шерикчилик ишини шеригига топширган бўлади.

Демак, муфоваза ширкати саҳих бўлиши учун бу битимни тузувчилар учта нарсада тенг бўлишлари лозим экан. Мана шу тенглик тузилган битимнинг бошидан бошлаб охиригача таъминланиши лозим.

Биринчиси, муфоваза ширкатини тузган кишилар битимнинг бошидан охиригача молда бир хил бўлишлари лозим³⁶.

Иккинчиси, муфоваза ширкатини тузган кишилар ўзаро тасарруфда тенг бўлишлари керак. Чунки бири қодир бўлган тасарруфга иккинчиси қодир бўла олмаса, муфоваза битимининг шартларидан бири бўлган тасарруфдаги тенглик таъминланмай қолган бўлади. Натижада мазкур битим саҳих бўлмайди.

Учинчиси, муфоваза ширкатини тузган кишилар динда тенг бўлишлари лозим. Яъни, икки тарафнинг ҳар бири мусулмон бўлиши ёки ҳар иккиси зиммий бўлиши керак. Бири мусулмон, бошқаси зиммий бўлган суратда муфоваза ширкатини тузиб бўлмайди. Сабаби, икки хил дин вакилининг тасарруфлари бир хил бўлмайди. Масалан, хамр зиммийларнинг мулкига кириши ва унга эгалик қилиши мумкин. Мусулмон шахс эса хамрга эгалик қила олмайди.

Инон (юз ўгириш, таклиф қилиш) ширкати. Инон ширкати – тижоратнинг барча ёки айрим турларида тузилган шерикчиликдир. Бу ширкатнинг муфоваза ширкатидан фарқли жиҳати, битим ваколатни ўз

³⁵ Абдулҳамид Маҳмуд Таҳмоз. Ал-Фикҳул ҳанафий фи савбиҳи-л-жадид. – Дамашқ: Дору-л-қалам. – Ж. V. – Б. 14-15.

³⁶ Бу ерда молда бир хил бўлишдан, унда ширкат тузиш мумкин бўлган моллар, яъни, дирҳам, дийнор ва пул маблаглари назарда тутилган. Аммо ширкатда раъсулмол (сармоя) бўлишга ярокли бўлмаган моллар, яъни, уruz (тижорат моллари) ва кўчмас мулкларда ўзаро тенг бўлишлари шарт эмас.



ичига оладио, бироқ кафолатни ўзи ичига олмайди. Чунки инон ширкати араб тилида عن [анна] “юз ўгириди” маъносини англатади. Мальумки, бир нарсанинг хукми, лафз тақозо қилмаган нарсада событ бўлмайди. Шунинг учун кафолат инон ширкатида топилиши мумкин эмас.

Имом Фарро ва Ибн Кутайбалар: “Инон сўзи [аннаш шайъу яъинну ва яъунну] жумласидан олинган бўлиб, “таклиф қилди” маъносини билдиради. Яъни, икки киши маълум миқдор молни ўртага қўйиб, бир-бирига унда шерикчилик битими тузишни таклиф қилишади”, дейишган.

Инон ширкати кафолатни ўз ичига олмагани учун, оом ёки хос, мутлоқ ёки муқайяд кўринишида тузилиши мумкин. “Ал-Хония” асарида: “Ширкат ва музорабада вақт тайин қилиш шарт эмас. Аммо ҳар икки битимга вақт тайин қилинса, тузилган шартнома тайинлаган вақтгача амал қиласи. Чунки музораба ва ширкат битимлари – шериклар бир-бирларини ўз ишларига вакил қилишлари деганидир. Ваколат бўлса, вақт тайин қилишни қабул қиласиган битим ҳисобланади”, дейилган³⁷.

Инон ширкатининг муфаваза ширкатидан яна бир фарқли жиҳати, битим тузувчилар тарафидан сармояга қўйилган молнинг миқдори тенг бўлиб, фойдада фарқли бўлиши жоиз.

Ҳанафий мазҳабига кўра, инон ширкатида кўрилаётган фойдани турлича тақсим қилинишининг жоизлигига, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Фойда икки томоннинг шартлашганига кўра (тақсимланади), зарар эса (сармоя сифатида тикилган) икки молнинг миқдорига кўра (белгилаанди), деган сўzlари далил бўлади”. Чунки фойдага сармоя орқали ҳақли бўлингани каби, меҳнатга қараб ҳам ҳақли бўлиш мумкин. Бунга музораба битими мисол бўла олади. Қолаверса, шерикчилик битимини тузайтганларнинг бири бошқасига қараганды тижоратга моҳирроқ ва ишни кўзини билувчироқ бўлади. Ёки шеригига нисбатан бақувват ва кўпроқ ишалайдиган бўлади. Натижада мазкур одам фойдани тенг бўлинишига рози бўлмайди. Шунинг учун инон ширкатида фойдани турлича тақсимлашга эҳтиёж сезилади. Бироқ, фойданинг барчасини бир томонга шарт қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолатда шерикчилик юзага чиқмай қолади.

Инон ширкати шерикнинг молида иш юритиш эътиборидан музорабага ўхшайди. Бошка томондан эса, номи ва иш юритилиши эътиборидан ширкатга ўхшайди. Мана шу икки жиҳатни эътиборга олган ҳолда, айтиш мукинки, инон ширкати музораба битимиға ўшаганлиги учун кафолатланмаган молдан фойда олишни шарт қилиш жоиз бўлса, ширкатга

³⁷ Ибн Обидин. Родду-л-мухтор. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия. – Ж. III. – Б. 341.



ўхшаганлиги учун иш юритишни битим тузувчиларнинг ҳар иккисига шарт қилиш орқали ион ширкати ботил бўлмайди.

Ширкатни ботил қилувчи омиллар: Нарса сотиб олишдан олдин ширкат тузувчилар тарафидан ўртага тикилган сармоянинг барчаси ёки икки тарафнинг бирининг сармояси ҳалок бўлган суратда ион ширкати бекор бўлади. Чунки ширкат битими сармоянинг нобуд бўлган қисмида бекор бўлганидан сўнг, қолган қисмида ҳам бекор бўлади. Сабаби, сармояси нобуд бўлмаган тараф ўзининг мулкида сармояси нобуд бўлган тарафнинг шерик бўлишига рози бўлмайди. Қолаверса, ширкатда маъқуди алайҳ (унинг устида битим тузилган нарса) мол ҳисобланади. Мол нобуд бўлдими, демак, тузилган битим ҳам бекор бўлади.

Саноиъ (ишлаб чиқариш) ширкати. Бу ширкатнинг турлича номи бўлиб, ширкати аъмол (ишчилар ширкати), ширкати абдон ва ширкати тақаббул (қабул қилиб олиш ширкати) шулар жумласидан.

Ширкатнинг бу тури саноат – ишлаб чиқариш шерикчилиги бўлиб, унда бирор касб усталари, хунарманделар, ёки турли касб усталари бирлашиб буюртмалар қабул қилиш ва ишлаб чиқаришда шерик бўлишади. Улар олган фойдани ўзаро бўлишишга келишиб олишади. Ораларидан буюртмаларни қабул қилиб оловчи бирор кишини тайин қилиб олишади. Уларнинг бир-биридан ишчанликда фарқ қилишлари, савияларининг турлича бўлиши, турли дўконларда иш қилишлари ва шерикчилик ишида турли вазифаларни амалга оширишларининг аҳамияти йўқ. Улар фойда олишда бирдек шерик бўлаверадилар³⁸.

Вужух (обрў-эътибор) ширкати. Вужух ширкати – сармояси бўлмаган икки киши обрў-этиборини ўртага қўйиб шерикчилик битимини тузишидир. Улар ўз обрўларини ўртага қўйиб инсонлардан насияга мол сотиб олишади ва сотишади. Насияга олинган таварни сотиб аввал қарзини тўлашади. Қолган фойдани ўртада тақсим қилишади.

Агар обрў-эътибор шерикчилиги шартлашилмай мутлақ тарзда тузилса, унда мазкур шерикчилик ион шериклиги бўлиб қолади. Чунки мутлақ тарзда шартлашилмай тузилган шерикчилик ион шерикчилигига ўтиб кетади ва бундай шерикчилик, ҳанафи мазҳабига кўра жоиздир.

³⁸ Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя шарҳ бидоятил мубтади. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2021. – Ж. III. – Б. 550.